

ШЕРОБОДДА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ИККИНЧИ КУНИ



Маҳалла фуқаролар йиғини раислиги (оқсоқоли) учун сайлов жараёни олдидан туман кўмаклашувчи комиссиялари аъзолари аҳоли вакиллари билан учрашувлар олиб боришиб, фуқароларни сайловни ўтказиш тартиблари билан таништиришмоқда.

Мухими, сайлов жараёнлари шаффоғ тарзда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, фуқароларнинг сайлов якунлари бўйича бюллетенларни ҳисоблаш жараёнларини ҳам кузатиб туришлари учун шароитлар яратилган.